



ИНГЛИЗ ТИЛИ СЎЗЛАШУВ НУТҚИ ВА РАСМИЙ УСЛУБДАГИ МАТНЛАРДА РАВИШЛАРНИНГ УСЛУБИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

Хасанова Ақида Раҳимжон қизи

University of Economics and Pedagogy

Филология кафедраси ассистенти, Андижон, Ўзбекистон

Aqidaxasanova093@gmail.com

Аннотация.

Маълумки, тилнинг асосий ижтимоий вазифаси алоқа қилиш, хабар бериш ва таъсир этиш воситаси ҳисобланади. Дунёдаги ҳар бир тил, қайси тил оиласига мансублигидан қатъи назар, бу вазифаларга боғлиқ равишда, ўзаро ўхшаш ва фарқли хусусиятга эга. Бу жиҳат лисоний сатҳнинг барча воситаларига бирдай тааллуқли. Шу жиҳат инглиз ва ўзбек тилларида белги билдирувчи сўзларнинг сўзлашув нутқи, илмий ва расмий услубларда қўлланилишини қиёслаш бошқа-бошқа тил оилаларига мансуб бўлган сўзларнинг қўлланилиши, функционал-услубий хусусияти орасидаги фарқ ва муштаракликни аниқлашга ёрдам беради.

Калит сўзлар: равиш, морфология, услубият, илмий услуб, расмий услуб.

Кириш. Расмий услуб – адабий тилнинг дипломатик келишув, расмий ҳужжатлар, ҳарбий низомлар, тижорат ёзишмаларида қўлланиладиган бир кўриниши. Асосий функцияси – нутқнинг мулоқот жараёнида иштирок этувчи томонлар ўртасида тушуниш ёки келишувга эришиш. Расмий услубда маълум клишелардан фойдаланилади. Масалан: *We beg to inform you, on behalf of, provided that*. Барча турдаги расмий нутқ матнлари лотин ва француз тилига оид сўз ва ибораларни ўз ичига олган ўзига хос лексика ва фразеологияга (*mutatis mutandis*) эга. Сўзлар бевосита ўз маъносида қўлланилади. Расмий услубда *to have the honour, to be pleased* каби хиссий бўёқдор сўзлар услубий бўёқдорлигини йўқотиб, мурожаат қилиш, рад этиш, маъқуллаш, хулоса қилиш каби маъноларни ифодалайди. Улар эмоционаллик хусусиятини йўқотади. Жумлалар узун ва мураккаб шаклда тузилади¹³.

Сўзлашув услуби инсонлараро кундалик мулоқотда қўлланилади, нутқнинг ифодалилиги интонация ва имо-ишоралар билан тўлдирилади, мураккаб жумлалар, асосан, кириш бирикма ва бўлақлар қўлланилади

¹³ Гуревич В.В. English style Место для формулы.stics. Стилистика английского языка. Москва: Флинта-Наука, – 67 с.



(*There're a few little things my wife just sent over*). Жумлалар эллиптиклик хусусиятига эга. Аналитик замон шаклларининг субъектлари, боғловчи-фeyллари, ёрдамчи фeyллари кўпинча тушиб қолади. Лексик хусусиятлари сифатида ишлатиладиган имо-ишоралар сўзларнинг эмоционал аҳамиятини орттиради. Сўзлар, кўпинча, турли семантик маъноларда қўлланилади, баъзан эса жуда умумий маънолар юзага чиқади, масалан: *business, way, affair, thing*. Одатда, *be, go, get, do, fix, have, make, put, take* фeyллари қўлланилади. Эмоциялар турли хилдаги гиперболалар билан ифодаланади.

Услубий ахборотнинг турлари хусусида (Two Types of Stylistic Information). В.В.Гуревичнинг ёзишича, ҳар бир нутқ услуби ўзи билан мулоқот шароитлари ва ўзига хос хусусиятлари ҳақида қўшимча маълумотларни келтириб чиқаради. Услубни танлаш 1) мулоқот иштирокчилари (суҳбатдошлар) ўртасидаги ўзига хос муносабатларга ва 2) маърузачининг унинг сўзларига бўлган муайян муносабатига боғлиқ бўлиши мумкин. Шу нуқтаи назардан, функционал услублар биринчи турдаги маълумотларни, яъни суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатларни ифодалайди. Баъзи ҳолларда бу муносабатлар эркин, дўстона, самимий бўлиши мумкин ва бу ҳолда маърузачи норасмий нутқ услубини танлайди, яъни оғзаки мулоқотга хос бўлган сўзлашув услуби. Бошқа ҳолатларда суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатлар чекланган, қатъий расмий бўлиши мумкин, бунда ҳам суҳбатдошлар хушмуомала бўлишга ҳаракат қилишади, натижада, улар расмий услубни (юқори, китобий) танлашади, бу, одатда, ёзма нутққа хос. Расмий услуб расмий ёки иш ҳужжатлари, илмий ёки публицистик асарлар жанрларида қўлланилади. Бу жанрлар, ўз навбатида, жанрларнинг янада алоҳида турларига бўлиниши мумкин; масалан, расмий ҳужжатлар буйруқ, кўрсатма, қарор, баённома, ҳисобот, ариза (*order, instruction, resolution, proceedings of a meeting, report, application*) ва бошқаларни ифодалаши мумкин¹⁴.

Маърузачи матн ичида расмий ва норасмий услубларни чалкаштириб юборишдан қочишга ҳаракат қилиши табиий, чунки бундай чалкашлик суҳбатдошлар ўртасидаги муносабатлар ҳақида нотўғри тасаввур келтириб чиқариши мумкин. Масалан, мансабдор шахсга ёзиладиган мактуб “*Hi, how are you doing?*” (“Ассалому алайкум, яхшимисиз?”) каби сўзлар билан бошланмайди, чунки бу жумла танишлик ҳисси, ўртоқлик муносабатлари мавжудлигини кўрсатади. Шу билан бирга, нутқ (оғзаки ёки ёзма) бирон бир услубнинг хусусиятлари билан аниқ чегараланмаган, шунинг учун ҳар

¹⁴ Гуревич В.В. English stylistics. Стилистика анлийского языка. Москва: Флинта-Наука, – 67 с.



қандай услубқа мос келадиган "нейтрал" услуб сифатида қаралиши мумкин бўлган нутқ парчалари ҳамда коммуникатив вазиятлар бўлиши мумкин.

В.В.Гуревич сўзлашув услуби ва жаргонлар ҳақида шундай ёзади: "Besides the standard, literary-colloquial (нормативная литературно-разговорная) speech, there is also a nonstandard (or substandard) style of speech, mostly represented by a special vocabulary. Such is the **familiar-colloquial style** (a 'lower' variant of colloquial style) used in very free, friendly, informal situations of communication (between close friends, members of one family, etc.). Here we find **emotionally coloured words, low-colloquial vocabulary** (сўзлашув лексикаси) and slang words. This style admits also of the use of **rude and vulgar** vocabulary, including expletives/obscene words/four-letter words/swearwords (ўзлашма лексика)". Яъни оддий адабий сўзлашув (норматив адабий-сўзлашув) нутқидан ташқари, асосан, махсус лексика билан ифодаланадиган ностандарт нутқ услуби ҳам мавжуд. Бу жуда эркин, дўстона, норасмий мулоқот шароитида (яқин дўстлар, бир оила аъзолари ва бошқалар ўртасида) ишлатиладиган сўзлашув услуби (сўзлашув услубининг кундалик сўзлашув варианты). Бу ерда эмоционал-бўёқдор сўзлар, сўзлашув лексикаси ва жаргон сўзларни учратамиз. Ушбу услубда кўпол сўз/бирикмалар, жумладан, ҳақорат сўзлар, одобсиз сўзлар, сўкишлар ҳам фойдаланилади. Расмий ва оддий сўзлашув нутқида қўлланилувчи айрим сленглар қуйидагилардир: "Rot/trash/stuff (= smth. bad); the cat's pyjamas (=just the right/suitable thing); bread-basket (= stomach); grass/pot (=* marijuana, narcotic drugs); tipsy/under the influence (affluence)/ under the table/has had a drop (=drunk); cute/great! (Am) (=very good); wet blanket (^uninteresting person); hot stuff! (smth. extremely good); You're damn right! (= quite right); Where are those darned/damned socks? What the hell do you want?"

ФҲЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Пекар В.И. Семантика предлогов вертикальной соположенности в когнитивном аспекте (на материале английских предлогов above и over и русского предлога над): дисс. канд. филол. наук. – Уфа, 2000. – 176 с.; Степанова З.М. Роль предлогов в формировании лингвокультурологических особенностей пространственных концептов: дисс. канд. филол. наук. – Ульяновск, 2006. – 207 с.; Киямов Р.Э. Лексический и синтаксический анализ конструкций с предлогами after и before в современном английском языке: дисс. канд. филол. наук. – Одесса, 1983. – 126 с.

2. Смирницкий А.И. Морфология английского языка. – Москва: Изд-во лит-ры на иностр. языках, 1959. – 440 с.; Воронцова Г. Н. Очерки по грамматике английского языка. – Москва, 1960. – 397 с.; Хаймович Б.С.,



Роговская Б.И. Теоретическая грамматика английского языка. – Москва: Высшая школа, 1967.–298 с.; Иртеньева Н.Ф. Теоретическая грамматика английского языка. Синтаксис. – Москва: Высшая школа, 1969. – 144 с.; Бархударов Л.С. Язык и перевод. – Москва, 1975.– С. 18; Ярцева В.Н. Контрастивная грамматика. – Москва: Наука, 1981.–110 с.; Кунин А.В. Внутренняя форма фразеологических единиц / Слово в грамматике и языке. – Москва: 1984. – 312 с.; Huddleston R. An introduction to English transformational syntax. – London: Longman, 1996. – 276 p.; Bennet D.C. Spatial and Temporal Uses of English Preposition. – London, 2005. – 344 p.; Ильиш Б.А. Значение предлогов в современном английском языке, 2008. –172 с.; Roberts P. English Syntax: A Programmed Instruction to Transformational Grammar. – New York: Harcourt, Brace and World, 2008. – 524 p.; Givon T. Syntax and Semantics: Discourse and Syntax. – New York: Academic Press, 2009. – 416 p.; Аксененко Б.Н. Exercises in English Prepositions. – СПб.: СПбГУ, 2012. – 166 p.; Новицкая Т.М. Неологизация в лексике английского языка. – Воронеж: ВГУ, 2012. – 207 с.

3. Виноградов В.В. История русских лингвистических учений. – М., 1978. – С.143; Нечай Ю. П. Семантико-синтаксические средства выражения эмоционально-экспрессивных значений частиц в немецком и русском языках. Сопоставительный анализ: Дисс. докт. филол. наук. – Краснодар, 1999. – 465 с.

4. Балли Ш. Французская стилистика. Перевод с французского К.А.Долинина. – М.: Изд-во Иностранной литературы, 1961.; Арнольд И.В. Стилистика. Современный английский язык: Учебник для вузов. 7-с изд. – М., 2005.; Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – Л., 1960.; Разинкина Н.М. Функциональная стилистика английского языка. – М., 1989.; Akfimanova O. (Ed.) Linguostylistics. – MGU, ML, 1972.; Bridgeman Richard. The Colloquial Style in America. New York: Oxford University Press, 1966.; Enkwist N. Linguistic Stylistics. The Hague. – Paris, Mouton, 1973.; Screbnev Y.M. Fundamentals of English Stylistics. – М., 1994.; Задорнова В.Я. Стилистика английского языка. – МГУ, 1986.; Кузнец М.Д., Скребнев Ю.М. Стилистика английского языка. – М, 1960.

5. Гуревич В.В. English stylistics. Стилистика английского языка. Москва: Флинта-Наука, – 67 с.

6. Гуревич В.В. English stylistics. Стилистика английского языка. Москва: Флинта-Наука, – 67 с.